

**БАЧАДОН БЎЙНИ ЭКТОПИЯСИ МАВЖУД АЁЛЛАРДА ЖИНСИЙ ҲАЁТ
ЁШИ ВА КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ РЕПРОДУКТИВ
ЙЎҚОТИШЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ**

Исломова Г.Х., Дустова Н.Қ.

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш.,
Ўзбекистон*

Долзарблик. Жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши, контрацепциянинг нотўғри танланиши ва бачадон ичи воситаларининг узоқ муддат қўлланиши бачадон бўйни эпителийси ва маҳаллий иммунитетга таъсир кўрсатиб, эктопия ҳамда яллиғланиш жараёнлари ривожланишига замин яратади. Ушбу омилларнинг репродуктив йўқотишлар билан боғлиқлигини ўрганиш профилактик ёндашувни такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Мақсад. Бачадон бўйни эктопияси мавжуд ва эрта репродуктив йўқотишлар кузатилган аёлларда илк жинсий ҳаёт ёши ҳамда контрацепция усулларида фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш.

Материал ва усуллар. Бетесда тизими бўйича 1–2-даражали эктопия аниқланган 110 нафар аёл (асосий гуруҳ — спонтан аборт, $n=62$; қиёсий гуруҳ — ривожланмаган ҳомиладорлик, $n=48$) ва 30 нафар соғлом ҳомиладор аёл (назорат гуруҳи) текширилди. Анамнез ягона карта асосида йиғилиб, гуруҳлараро фарқлар χ^2 -мезони билан баҳоланди.

Натижалар. Илк жинсий ҳаёт ёши асосий гуруҳда 19 ёшгача — 27,4%, 20–24 ёш — 52,9% ва 25 ёшдан катта — 11,5% ни ташкил этди; ўртача ёш асосий гуруҳда $21,82 \pm 0,46$, қиёсий гуруҳда $21,9 \pm 0,52$ ва назоратда $21,73 \pm 0,36$ бўлиб, гуруҳлараро ишончли фарқ аниқланмади. Контрацепция усуллари таҳлилида бачадон ичи воситалари (БИВ) асосий (35,5%) ва қиёсий (35,4%) гуруҳларда назорат гуруҳига (13,3%) нисбатан 2,7 марта кўп қўлланган ($p < 0,05$); комбинирланган орал контрацептивлар (КОК) асосий гуруҳда 25,8%, қиёсий гуруҳда 18,8% ва назоратда 10% ни ташкил этиб, асосий гуруҳда 2,5 марта кўп бўлди ($p < 0,001$). Аксинча, самарали ва хавфсиз ҳисобланувчи тўсик (барьер) усули назорат гуруҳида 20%, асосий гуруҳда эса атиги 6,5% (3,07 марта кам; $p < 0,001$) аниқланди; календар усули ҳам назоратда кўпроқ (36,7% га қарши 9,7%) бўлди. Умуман, репродуктив йўқотишлар билан кечган аёлларда БИВ ва КОК устунлик қилиб, барьер усуллари сезиларли даражада кам қўлланган.

Хулоса. Бачадон ичи воситалари ва КОК препаратларидан кўп фойдаланиш, барьер усулининг эса кам қўлланиши бачадон бўйни эктопияси ва эрта репродуктив йўқотишлар билан боғлиқдир. Контрацепция усулини индивидуал танлаш ҳамда барьер усуллари рағбатлантириш прегравидар тайёргарлик ва репродуктив хавфни камайитиришнинг муҳим қисми бўлиши керак.

20-Iyun, 2026-yil

Калит сўзлар: бачадон бўйни эктопияси; жинсий ҳаёт ёши; контрацепция;
бачадон ичи воситаси; репродуктив йўқотишлар.

